



ҲАҚСЕВАР ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2021 йил
6 март
ШАНБА
№ 19 (13372)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят Кенгашининг сессияси

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИ — БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси ўтказилди. Унда вилоят кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, бошқарма ва ташкилотлар масъуллари иштирок этди.

Депутатлар дастлаб Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига бўшаб қолган 47-“Нурафшон” сайлов округида ўтказилган сайлов натижаларини кўриб чиқди. Бу ҳақда вилоят сайлов комиссияси раиси Ж. Насриддинов ахборот берди. Сайлов натижаларига кўра, вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Д. Ҳидоятлов мазкур округдан вилоят кенгаши депутатлигига сайлангани маълум қилинди.

Сессияда Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси Р. Турдибоевнинг вилоят прокуратурасининг 2021 йил 8 февралдаги “Депутатни жиноий жавобгарликка тортиш учун розилик олиш ҳақида”ги тақдимномаси тўғрисидаги ахбороти эшитилди. Шу билан бирга, “Худудгаз Тошкент” МЧЖ директори А. Раимов сўз олиб, аҳоли томонидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиб бартараф қилиниши, аҳоли ва юридик шахслардан мавжуд қарздорликни ундириш ва қамайтириш юзасидан амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди.

Аҳолига кўрсатилган хизмат сифатини ошириш, “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини татбиқ этиш борасида олиб борилган ишларга танқидий баҳо берилди.

Вилоят ҳокими коммунал соҳа бошқармалари масъуллари ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар юзасидан депутатлар, журналистлар ва аҳоли олдида ҳисобот бериб боришини таъкидлади.

Шунингдек, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М. Болтабоев Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши Доимий комиссияларининг муаммоларни бартараф этиш ва ижро интизомига қатъий риоя қилиш, вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил бошида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш масалаларига депутатлар эътиборини қаратди.

Бундан ташқари, сессияда бошқа масалалар эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

А. МУСАЕВ,
ЎЗА



Букун гўзалликнинг кутлуғ айёми, Қизларнинг кўклагига мослигидир бу. Юраклар лиммо-лим муҳаббат жами, Баҳор келганининг ростлигидир бу.

Букун айёмнинг муборак қилиб, Зумуррад сепини ёйибди баҳор. Баҳорий қизларнинг хуснидай тўлиб Олам гўзаллиги бўлсин барқарор.

ВИЛОЯТИМИЗ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Ҳамкорлик

Вилоят раҳбари Даврон Ҳидоятловнинг ташаббуси ва сый-ҳаракати туфайли хоризжик инвесторлар билан ҳамкорлик уфқлари беқиёс кенгайиб бормоқда. Эътибор бераётган бўлсангиз, газетамизнинг ҳар бир сонидан чет эллик инвесторлар билан эришилаётган янги-янги манфаатли келишувлар хусусида хабар бериб бораёямиз.

Даврон Ҳидоятловнинг Хитой Халқ Республикасининг “LINYI INVESTMENT GROUP” компанияси раҳбари Чен Мин Чи билан бўлиб ўтган учрашувида учта лойиҳа муҳокама қилинди.



Саҳобиддин РУСТАМОВ олган сурат

2

Эътибор

Ўқитидор ва Ўбрат ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, мамлакатимизда хотин-қизларни ёзозлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятини намойиш этиб, ўз ғоя ва ташаббусларини илгари сураётган, ижтимоий ҳаёт-

да фаоллик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида юртимиздаги 28 нафар фаол қизлар Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Жумладан, вилоятимизнинг икки нафар иқтидорли қизи ҳам шу нуфузли мукофотга лойиқ кўрилди:

Деҳқонова Мадинабону Дилшод қизи — Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-босқич талабаси (Қибрай тумани);

Назарова Зилола Эргашбой қизи — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби тўғрақ раҳбари.

Мухбирларимиз юксак мукофот билан тақдирланган қизларимизнинг ҳаяжонга тўла дил сўзларини ёзиб олишди.

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги “8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотини улуғлаш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизни муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда юртимизда олиб борилган туб ислохотларда фаол қатнашиб, яъни Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ аёллар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан:

Саломова Дилобат Очиловна — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электрада пўлат эритиш цехи оператори

«Дўстлик» ордени билан:

Тимергалина Нина Юрьевна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бой-итиш фабрикаси участка машинисти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан:

Мирзомуротова Угулжон Бекмирзоевна — Бекобод шаҳридаги «Sweet bubble» хусусий мактабгача таълим муассасаси раҳбари

«Келажак бунёдкори» медали билан:

Ахмадова Шахноза Дилмуродовна — Янгийўл шаҳридаги «New-Action Textile» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

«Шуҳрат» медали билан:

Мадиярова Шохиста Азизматовна — Тошкент вилояти хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари

Мирзаназарова Махсуда Юлдашовна — «Uzauto Motors Powertrain» акциядорлик жамиятининг қўйиш цехи устаси

Нишанова Ханифахон Собировна — Янгийўл тумани бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мамлакатимизда илк мартаба аёллар ўрта-сида кураш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ** жамоаси эгаллади.

ЯНГИЙЎЛ туманида “Баркамол авлод” болалар мактаби фойдаланишга топширилди.

Капитал таъмирлашдан сўнг ўзгача замонавий қиёфа акс этган марказда тўқиш, бичиш, рақс, тасвирий санъат, компьютер саводхонлиги ва робототехника каби 25 йўналишдаги тўғрақларга қўллаб-қўувчилар жалб қилинган.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманидаги “Нури замин” МФЙ ҳудудига кичик кўёш электр станцияси ишга туширилди.

40 кВт қувватли кўёш фотоэлектр станцияси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида Корея энергетика агентлигининг (КЭА) беғараз маблағлари ҳисобига барпо этилди.

БЕКОБОД туманида “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди. Учрашув доирасида тумандаги 28 та мактабга 4 та турдаги musiқий чолғу асбоблари тарқатилди.

Ёшларни китобхонлик саводхонлигини ошириш мақсадида 500 дан ортиқ китоблар кўчма кутубхоналарга тарқатилди.

Н У Р А Ф Ш О Н шаҳридаги “Ёшлар маркази”да 200 дан ортиқ ўқувчи ёшларни жалб қилган ҳолда “Мутахассислик сенинг келажагинг” мавзусида касблар кўргазмаси ташкил этилди ҳамда Чирчиқ шаҳридаги йирик текстиль корхоналарига саёҳатлар уюштирилди.

Биринчи момақалдирок



Маҳмуд ТОИР
Ўзбекистон
Халқ шоири

Кўк эмас, нақ кўнелим гўмбурлаб кетди,
Кувончим етти кўк мулкига етди,
Етти камалакнинг байроғин тутди,
Эй, овози қаттиқ, кувончи кувнок,
Хуш келдинг, биринчи момақалдирок.

Баҳорнинг бозиллаб келган элчиси,
Еллар курағида елган элчиси,
Кафтлари дуога тўлган элчиси,
Музлаган сочларни эритган тарок,
Хуш келдинг, биринчи момақалдирок.

Боболар шодлигин ичига ютган,
Номард номардлигин бетиде тутган,
Ох, Ҳақнинг овози, биз сени кутган,
Онам дуосидай нияти оппоқ,
Хуш келдинг, биринчи момақалдирок.

Умидлар уммони сенга талпинар,
Миллатнинг қарвони сенга талпинар,
Ахир, ҳар бир дилга нурдан нур инар,
Булутлар кўксига порлаган чироқ,
Хуш келдинг, биринчи момақалдирок.

Элу юрт шуҳратин парвози сенда,
Давлатим шиддатин овози сенда,
Ўзбекнинг дунёга хуш рози сенда,
Танари қудратидан этгувчи озоқ,
Хуш келдинг, биринчи момақалдирок.

Баҳордан бахт кутар одамзот насли,
Ох, сенинг овозинг барақа асли,
Эй, сен булбул фасли, эй сен гул фасли,
Ўзингдан бизни ҳеч қўймагин йироқ,
Хуш келдинг, биринчи момақалдирок.

Туйғу



Хамкорлик

ВИЛОЯТИМИЗ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Дастлаб, вилоят етакчиси Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудида жойлашган, халқ тилида "Ташмор" деб юритиладиган сув омбори ҳудудида ташкил этилиши кўзда тутилган дам олиш маскани лойиҳаси билан танишди. Етти гектар майдонда бунёд этилиши кўзда тутилган масканда маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар учун барча замонавий қулайликларга эга шароит яратилади. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичида 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилиши кўзда тутилган бўлиб, 100 га яқин иш ўрни яратилади.

Сув омборининг атрофи ёзнинг чилласида оливайи дам олиб, ҳордиқ чиқариш учун жуда қулай.

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

Унда сайёҳлар учун экотурлар, сув спорти билан шуғулланувчилар шароитлар яратилади.

Учрашув давомида Қибрай туманидаги 36 гектар ёғда экотуризм лойиҳасини ишга тушириш юзасидан тақлифлар ҳам билдирилди.

Экспертларнинг фикрича, ҳозирда экотуризм дунёда энг сердаромад соҳалардан бири ҳисобланади. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш экологик муаммоларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Қибрай туманининг Чинобод қишлоғида амалга оширилдиган

ушбу лойиҳанинг қиймати 1 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлиб, 50 та иш ўрни яратилиши белгиланган.

Дарҳақиқат, вилоятда экотуризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Фақат бу салоҳият ва имкониятлардан ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, оқилона фойдаланиш лозим. Келишувда шу каби масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Хабарингиз бор, ҳозирги пайтда вилоятнинг туман ва шаҳарларида кенг қўламли қурилишлар давом этмоқда. Уларни самарали ташкил

Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига бу йил 28 йил тўлди. Утган давр мобайнида Ўзбекистон - Беларус ҳамкорлиги кўплаб муҳим йўналишларда изчил ривожланиб бораётган, дейилади ОКМК Ахборот хизмати хабарига.

МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР, ФЙДАЛИ МУЛОҚОТЛАР



Ўзбекистон - Беларус ҳамкорлиги кейинги йилларда анча фаоллашди. Давлатлараро муносабатлардаги янги муҳит халқларимиз ҳаётида акс этмоқда. Икки мамлакат тармоқлари, ҳудудлари ва бевосита ишбилармонлари яқин алоқаларни йўлга қўйди. Бу икки томон ҳам ўзаро манфаатли, дўстона ҳамкорлик тарафдори эканининг ёрқин ифодаси, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Беларусга тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё саноти маҳсулотлари, рангли металл ва ундан тайёрланган ускуна ва буюмлар, транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар экспорт қилади. Беларус давлати эса мамлакатимизга қишлоқ хўжалиги, саноат техникаси, озиқ-овқат товарлари, ёғоч, резина ва каучук, қора металл ва бошқа маҳсулотлар етказиб беради.

Ириқ саноат корхонаси бўлган Олмалик кон-металлургия комбинати ҳам Беларус давлатининг «БелАЗ» ОАЖ билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Кўп йиллик ҳамкорлик натижасида комбинат конларида асосан «БелАЗ» автосамосвалларидан фойдаланиб келинмоқда.

Икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари доирасида юртимизга Беларус давлатининг бош вазири ўринбосари Александр Субботин бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Юқори

мартабали меҳмонлардан иборат делегация аъзолари мамлакатимизга ташрифларини Олмалик шаҳридан бошлади.

Олмалик шаҳрини саноат зонаси билан боғловчи, «Мустақиллик» кўчасидаги кўприкнинг тантанавий очилиш маросимида Беларус давлати делегацияси ҳам иштирок этди.

Шундан сўнг, делегация вакиллари «Металлург» маданият саройи ҳамда комбинат музейини кўздан кечиришди.

Юқори мартабали меҳмонларнинг навбатдаги манзили «Қалмоққир» кони бўлди. Меҳмонлар конда кечаётган қизгин ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишишди.

Сўнгра, меҳмонлар комбинат таркибига истиқболли кон сифатида эътироф этилаётган "Ёшлик I" конига боришди. Бу ерда улар комбинатда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар билан танишишди.

– Бугун тарихий кун бўлди, – дейди ОКМК бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов. – Мана кўп йиллар давомида беларуслик ҳамкорларимиз билан биргаликда ишлаб келмоқдамиз. Улар томонидан бизга етказиб берилган кон техника воситалари ёрдамида биз юқори меҳнат самарадорлигига эришяпмиз. Уйлаймани, ҳамкорларимизнинг бугунги ташрифи ҳам ўзаро манфаатли алоқаларни янги босқичга олиб чиқади.

Оҳангарон ва Олмазор: ЯХШИ ТАШАББУСНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Оҳангарон шаҳри ҳоқими А. Эшонқулов ва Олмазор тумани ҳоқими А. Муллажонов икки ҳудуд ўртасидаги беш йил муддатга мўлжалланган ҳамкорлик меморандумини имзолади, дея хабар беради ўЗА.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда масъуллар томонидан ҳамкорликни амалга ошириш механизми, зарур йўналишлар атрофида муҳокама қилинди. Мазкур меморандумда бир қатор йўналишларда иш ташкил қилиш белгиланган. Жумладан, саноатни ривожлантириш, маҳаллабай ишлаш тизими бўйича ўзаро тажриба алмашиш, тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг чора-тадбирларини биргаликда ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, коммунал соҳада, кўп қаватли уйлари сақлаш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича ташкилий тадбирлар биргаликда ишлаб чиқилади. Капитал қурилиш, хусусан, кўп қаватли уйлари қуриш ва аҳолининг уй-жой фондига бўлган талабини қондириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ҳам белгиланган.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида тизимли ишлар амалга оширилади. Худудларда ёшлар ўртасида жиноятчилик

ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ташкил этилади. Айниқса, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролар билан манзилли ишлаш бўйича ўзаро тажриба алмашилади.

Қайд этилганидек, икки ҳудуд мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда, хавфсиз шахар дастурини биргаликда ишлаб чиқиш, ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида назорат механизмларини такомиллаштириш бўйича кўмак кўрсатилади.

Ибрат

Бугун янги жамият бунёдкори бўлмиш қомил инсонни тарбиялашда маърифат маскани - мактабларнинг ўрни беқийс. Айниқса, «Янги Ўзбекистон - мактаб остонасидан бошланади» деган улғувор ғоянинг илгари сурилши юртимиз педагоглари қатори Бекобод туманидаги 11-умумтаълим мактаби жамоасининг дилидаги орзусини рўйбега чиқарди.



ГЕОГРАФЛАР ОИЛАСИ

Дарвоқе, ушбу мактабда 1 минг 246 нафар ўқувчига 87 нафар тажрибали педагог сифатли таълим-тарбия бермоқда. Мактабда ўқувчилар меҳрини қозongan, том маънодаги фидокор муаллимлар кўплаб

ратли ўқитувчилардан бири – «Шухрат» медали соҳиби, халқ таълими аълочиси Майрам Самандаровадир. Болаликдаги орзуси ўзи меҳр қўйган география фани ўқитувчиси бўлиш эди. 1996 йилда Миллий университетни имтиёзли тугатгач,

география фани бўйича меҳнат фаолиятини айнан мактабда бошлади.

– Моҳир педагог Майрам Самандарова ўз фанининг билимдони, қолаверса, меҳридар ўстоз сифатида мактабимиз фахри ҳисобланади,

– дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Дилфуза Абдуқодирова. – Ўрни келганда шуни айтиш керакки, қаҳрамонимизнинг турмуш ўртоғи ҳам география фанидан дарс беради. Тақдирни қарангки, айни кунда 2 нафар фарзанди ҳам ота-онаси изидан бориб, Миллий университетда география фанидан сабоқ олишмоқда.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

Рағбат

Хар бир аёлнинг ўз ҳикояси, ўз кечинмалари бор. Байрам арафасида вилоятимиз ҳаётида фаол бўлган, ўз соҳасини гуллатган аёллар ҳақида сўз айтмаслик хато бўлади. Аслида жамият тарбиячиси бўлган аёллар ҳар сонияда эътирофга лойиқ. Улғу адиблардан бирининг шундай сўзлари бор: "Миллат маданиятининг қай даражадалиги аёлга бўлган муносабатда билинади." Маданий қиёфамиз тимсолларининг байрамолди фикрлари ва соҳадаги фаолияти билан қизиқдик.

СИЗ ЖАМИЯТНИ КЎРКНИ, СИЗ ХОНАДОНИ ФАЙЗИ

Зилола НАЗАРОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:
– Болалигимда мукофотланган қизларни телевизorda кўрсатишга жуда ҳавасим келарди. Ушанда бир куни уларнинг ўрнида мен ҳам бўламан, деб ҳеч уйламагандим. Йигирма олтинчи баҳорни қаршилаш арафасида мукофотланганлар орасида мен ҳам борлигим ҳаётимдаги энг катта совға бўлди. Бу юксак мукофотни қўлга киритиш, айниқса, оила аъзоларимнинг кўзидagi қувонч менга чексиз шараф ва юксак масъулият бағишлади. Ўзбек қизи учун бундан ортиқ бахт борми?!

Байрам арафасида барча тенгдош дугоналаримга омад ва зафарлар тилаб қоламан. Ҳеч қачон кўзларида маҳзунлик, ноziк қалбларидан дард бўлмасин. Мукофот масъулиятини шараф билан оқлаш насиб қилсин.

Мадинабону ДЕҲҚОНОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:
– Мен ўзимни бугун дунёдаги энг бахтли инсонлардан бириман, деб айта оламан. Мамлакатимизда ёшларнинг ўз имкониятини эркин рамоён қила олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мен ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда турли кўрик-танлов ва фестивалларда мунтазам иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдаман. Бу йил эса юксак мукофотга лойиқ кўрилганидан жуда мамнудим. Мазкур мукофотни қўлга киритиш орзусида юрган тенгдош-дугоналарим кўп эди. Уларнинг чиқишларини кўриб, эшитиб, тўғриси, менга насиб этармикан, аслида мукофотга арзийдиган ютуқларга эришганманми, деб ўйлаб қолгандим... Яратганга шукр, давлатимиз раҳбари ва халқимиз камтарона интилишларим учун менга шундай катта ишонч билдирди.

Албатта, келажакда мана шу ишонччи оқлаб, янада кўпроқ меҳнат қилиб, Ватанимизга хизмат қилишга, санъатим билан юртимиз шаънини янада улғулашга ваъда бераман.

Дилобар Саломова, "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи пультчиси:
– Мен 24 йил шу заводда ишладим. Бу соҳада донг таратиш, бу ишининг устаси бўлиш осонмас. Касбим ортдан ҳалол пул топдим, фарзандларимни ўқитдим. Ўзбек аёли учун энг катта бахт аслида оналик. Умримни, вақтимни фарзандларим камоли учун сарф этаётганимга ачинмайман!

Дилобар опа барча ўзбек аёлларини келаётган байрам билан қўлаб, "Аёлни қадрланг аёлни асранг" деган шеърни ўқиб берди.

Янгиўл шаҳар "NEW-ACTION TEXTILE" МЧЖда раҳбарлик қилаётган Шаҳноза Аҳмадова соҳага кириб келиши ҳақида қуйидагиларни айтиб ўтди:

– 2010 йил текстил корхонасида оддий ишчи эдим, кейинроқ ўша корхона эгаси бўлган оилага келин бўлдим. Раҳбарликни менга топширишди. Дастлаб 7-8 та ходим билан иш бошлаганмиз. Ҳозир эса 300 кишини иш билан банд қилишга эришдик. Бизда асосан болалар учун трикотаж маҳсулотлари тайёрланади.

Тадбиркор аёл Россия ва Озарбайжон давлатлари билан экспорт шартномасини имзолаган. Маҳсулотлари бугунги кун талабига жавоб бериши учун бир нечта ишчиларини хорижга тажриба оширишга юбориб, товарлари сифатини янада яхшилаш учун Туркиядан мутахассисларни жалб этган. У яқинда вилоятимиз миқёсида ўтказилган танловда "Йилнинг энг яхши экспортёри" номинацияси ғолиби бўлди.

Галдаги қаҳрамонимизнинг асл касби она тили ўқитувчиси. Аммо у бугун Янгиўл тумани бош имом-хатибанинг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимида ишлаб, 28 та отиниолага раҳбарлик қилмоқда. Хануфахон Нишанова ижтимоий айрим муаммолар ҳақида гапирди:
– Ёшларимизга дунёвий билим қато-

уларга четдан келадиган эҳтиёт қисмлар қимматлигини, ташкилот зарарга ишлай олмаслигини айтган бўлардим.

Фарзандлар ҳам оналари касбидан фахрланади. Ахир юриб турган ҳар бир автомобиль уларга осянинг меҳнатини эслатади-да!

Яна бир шижоатли аёлларимиздан бири Ўғилбой Мирзамуротова чекка бир ҳудудда замонавий болалар богчасини очган. Бекобод шаҳар "Sweet bubble" давлат шерикчилиги асосидаги хусусий мактабгача таълим муассасасининг бошқалардан устунилиши унда чет тилларига эътибор кучайтирилганида.

– Биз болаларни рус ва инглиз гуруҳларга бўлганмиз. Ошпаздан тортиб, қоровулгача рус тилида гапирди. Чегара ҳудуддаги қишлоқда ҳам болаларнинг хорижий тилларни ўрганиши жуда муҳим, – дейди у.

Бундан ташқари, у трикотаж маҳсулотлари тайёрлаб, 700 миң долларлик экспортни амалга оширган тикув цехига ҳам раҳбарлик қилмоқда.

Рағбат инсонни руҳлантириб, олга боришга ундайди. Юқоридagi аёлларнинг барчасига байрам арафасида Президентимиз юксак мукофотлари берилди. Меҳнатнинг таги роҳат, деб шуни айтишга керак... Яна 2 нафар мукофот олган аёллар тажрибасини сиз билан ўртоқлашмоқчи эдик, аммо улар билан вақтинча боғлана олмадик. Мукофотлар муборак бўлсин, азиз ола-сингиллар!

Мадина АБДУСАМАТОВА
Тошкент ҳақиқати

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада)

Реклама ҳуқуқи асосида

Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти жамоаси

*Азиз ва муқаддас аёлларни дилларга поклик,
юракларга шодлик ва меҳр зиёсини бахш этувчи*

**8 март – баҳор ва нафосатлик байрами
билан муборакбод этади.**

Гўзаллик, латофат ва назокат Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин. Юзингиздан табассум, кўнглингиздан хотиржамлик, хонадонингиздан фойз-барака аримасин, мунис онажонлар, меҳрибон опа-сингиллар!

“Тошкент сув таъминоти”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*Жамиятилимиз кўрки, хонадонларимиз фойзи ва
фариятаси, оилаларимиз бахти бўлган муҳтарам
опа-сингилларимизни баҳорнинг илк шукрли айёми*

8 март билан салмилий муборакбод этади.

Аёл

Бу қандай жозиба, рангин жилпар,
Оламга кўрк бергай хусни зеболар,
Ўзинсан маъданам, ўзинг тиллолар,
Меҳрнинг қонига ошёндин аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

Аёллар дафтари- меҳр дафтари,
Унга ёзилажак битиклар бари,
Санамлар сарвари, олам гавҳари,
Баҳордек юз очган чамандир аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

Учинчи уйғониш завоқин улашгай,
Талашса, болам деб ҳар кун талашгай,
Гўё Тўмарисдек ёниб курашгай,

Сўзи гул, ўзи-чи гулбадан аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

Тадбиркор, миришкор, ҳар ишда ғолиб,
Муаллим ўзидир, мен унга толиб,
Яшайди бор ишни елкага олиб,
Гўё повуллаган гулхандир аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

Ҳайдангиз юракда қолган гардларни,
Аёл беҳудага қўймас шартларни,
Майли, тугаверсин, тугса мардларни,
Ортида тойчоғи, самандир аёл,
Энг аввал онадир, Ватандир аёл.

АШУРАЛИ БОЙМУРОД

**Гўзаллик ва назокат
Сизларни ҳеч қачон тарк
этмасин, азиз опа-сингиллар!**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир
**Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ**

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-335. 4 932 нусхада
чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2. Баҳоиси келишилган нархда.

Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир уринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида босилди. Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthqiqati@mail.uz

Манзилимиз:
111500, Нурафшон
шаҳри, Тошкент йўли
кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Ҳафтанинг
чоршанба ва шанба
кунлари чиқади.

Навбатчи муҳаррир
**Кумуш
ЭГАМБЕРДИЕВА**
Назоратчи мусахҳиҳ
**Аллома
АЗИЗОВА**
Навбатчи
**Жавлон
ХАЛИЛОВ**